O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
MILLIY KITOB PALATASI
INV.№ _____

Ислом КАРИМОВ:

...Давлатимиз ва жамиятимиз юкини ўз елкасида кўтариб келаётган инсонларнинг манфаатини ҳимоялаш матбуот аҳлининг нафақат вазифаси, балки муқаддас бурчидир

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

■ 2004-YIL ■ 26-IYUN ■ SHANBA ■ 77 (27.252) ■ uzbovozi@sarkor.uz ■ 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 25 июнь куни Оқсаройда Украина Бош вазири Виктор Януковични қабул қилди

Мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистон Украинада рўй бераётган ижобий ўзгаришларни мамнуният билан кузатиб бораётганини, икки томонлама муносабатлар амалий ҳамкорлик салмоғининг юқорилиги билан ажралиб туришини таъкидлади.

Ислом Каримов буни бежиз айтгани йўқ. Ўзбекистон ва Украина бир-бирини ишончли ҳамкор деб билади. Икки мамлакат давлат раҳбарлари, ҳукуматлар, ташқи сиёсат маҳкамалари ўртасида мунтазам алоқа ўрнатилган. Ташкилотлар ва минтақалараро бевосита ҳамкорлик ҳам жадал ривожланмоқда.

Ўзбекистон ва Украина сиёсий, савдо-иқтисодий, илмий-техникавий, ижтимоий ва маданий соҳадаги алоқаларни ҳам ҳар томонлама кенгайтирмоқда. Бунда Президентлар Ислом Каримов ва Леонид Кучма ташаббуси билан таъсис этилган Кўп томонлама ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Украина қўшма комиссиясининг фаолияти муҳим ўрин тутяпти. Украина Бош вазири мазкур комиссиянинг навбатдаги мажлисида қатнашиш учун Тошкентга келган.

Икки томонлама товар айирбошлаш ҳажми йилдан-йилга ўсиб боряпти. 2003 йили бу борадаги кўрсаткич 2002 йилга нисбатан 2,3 марта ошиб, 244 миллион АҚШ долларини ташкил этди. 1996-2003 йиллар давомида Украинанинг Ильичёвск бандаргоҳи орқали 325 минг тонна Ўзбекистон пахта толаси ўтказилди. Айни пайтда автомобиль йўлларини қуриш бўйича икки томонлама консорциум тузиш масаласи ўрганилмоқда. Бу Трансафғон йўлагини барпо этишда ҳамкорлик қилиш учун кенг йўл очади.

Ўзаро муносабатларда террорчиликка, жиноятчилик ва наркобизнесга қарши кураш масалалари ҳам алоҳида ўрин тутади.

Оқсаройдаги учрашувда Ўзбекистон-Украина муносабатларини, айниқса, савдо-иқтисодий алоқаларни янада ривожлантириш, минтақавий хавфсизлик, Афғонистондаги вазиятга оид ва томонларни қизиқтирган бошқа масалалар муҳокама қилинди.

(ЎзА)

МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИГА

Аввалambор, ўз ҳаётини матбуот ва ахборот соҳасига бағишлаган сиз, заҳматкаш журналистларни, муҳтарам фахрийларимизни, юртимиздаги барча оммавий ахборот воситалари, нашриётлар ва матбаа ходимларини бугунги байрамингиз билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Азиз дўстлар!

Ҳар қайси ташкилот, ҳар қайси меҳнат жамоаси ўз фаолияти билан боғлиқ муайян саналарни нишонлар экан, албатта, шу ўтган давр мобайнида қўлга киритган натижа ва ютуқларини сарҳисоб қилади. Шу билан бирга, ўз ишига танқидий баҳо бериб, олдига қўйган марраларга етишда нималарга эришгани ва нималарга эриша олмаганини, бунга нималар халақит бераётганини таҳлил этиб, тегишли сабоқ ва хулосалар чиқаради.

Шу маънода, бугун ўз байрамини нишонлаётган журналистлар, аввалambор, жуда шарафли, айни пайтда ўта оғир ва машаққатли бу касбнинг ҳақиқий усталари, чинакам фидойилари, бу соҳанинг қувонч ва изтиробларини юрагидан, қалбидан ўтказадиган бутун матбуот ва ахборот аҳли ҳам шундай саволларга жавоб излаши табиий, деб ўйлайман.

Албатта, оммавий ахборот воситалари фаолиятига баҳо беришда ҳокимият ва мансаб курсисида ўтирганлар эмас, аввало, шу касбнинг заҳматини чекадиган инсонлар, уларнинг меҳнатидан, маҳоратидан баҳраманд бўладиган муштарийлар ва кенг ўқувчилар оммаси, жамоатчилик фикрига суяниш энг ҳаққоний, демократик ёндашув бўлади.

Барчамизга маълумки, информацион курашлар кучайиб бораётган ҳозирги глобаллашув шароитида матбуот, айниқса, журналистлар зиммасида бир-биридан долзарб, бир-биридан масъулиятли вазифалар турибди. Лекин, менинг назаримда, уларнинг орасида энг муҳим бир йўналиш борки, у ҳам бўлса, халқимиз манфаатларини ҳимоялашдан иборат.

Содда қилиб айтганда, олис қишлоқ ёки туманда, шаҳар ёки вилоятда бўладими, бизнинг бугунги ҳаётимизни, давлатимиз ва жамиятимиз юкини ўз елкасида кўтариб келаётган инсонларнинг манфаатини ҳимоялаш матбуот аҳлининг нафақат вазифаси, балки муқаддас бурчидир.

Табиийки, ҳимоялаш деганда, биз барчамиз жуда кенг маънони кўзда тутамиз. Биринчи галда, бу сўз орқали миллатни миллат, халқни халқ қиладиган азалий урф-одат ва миллий-диний қадриятларимизни асраб-авайлашни англаймиз.

Ҳимоялаш деганда, бизнинг миллий ғоямиз бўлмиш юрт тинчлиги, Ватан равнақи ва халқ фаровонлигига эришиш, мухтасар айтганда, эркин, озод ва обод ҳаёт барпо этиш йўлидаги ғов ва муаммоларга халқнинг кўзини кенг очиб бериш, уларни йўлдан олиб ташлаш учун ўз маҳорати ва истеъдодини бағишлашни тушунамиз.

Юртимизга қарши қаратилган информацион хуружларга зарба бериш, биз танлаган эзгу мақсад ва муддаоларни кўролмайдиган четдаги ва ўзимиздан чиққан айрим тили бурро шоввозларни, турли ниқоблар остида ўзини ҳаммадан доно, бизга энг яқин ёрдамчи ва маслаҳатгўй қилиб кўрсатадиган, ҳатто миллий анъаналаримиз ва ҳаёт тарзимизни ўзимиздан ҳам яхшироқ билишни даъво қиладиган кимсаларнинг сохта уринишларини фош этиш ҳам халқимиз манфаатларини ҳимоя қилишнинг яна бир амалий намоёнидир.

Матбуот аҳлининг меҳнатини, уларга худонинг ўзи берган истеъдодни юксак баҳолаб, мен журналистларга тақдир-қисмати доимо халқ билан боғланган, ҳаётнинг энг қайноқ, энг оғир, ҳал қилувчи жабҳаларида бўлиб, эл-юртнинг қувонч ва ташвишлари, умид ва интилишларини чуқур ҳис қиладиган ва ифода этадиган ноёб касб эгалари, фидойи инсонлар сифатида қараш тарафдориман.

Шу боис, мамлакатимизда муҳим сиёсий, иқтисодий-ижтимоий қарорлар қабул қилишда халқ қалбининг кўзгуси бўлмиш матбуот фикрини инобатга олиш алоҳида аҳамиятга эга, деб ҳисоблайман.

Айни вақтда, биз оммавий ахборот воситаларининг моддий-техник базасини, молиявий таъминотини мустаҳкамлашга журналистларнинг мустақил фаолият ва фикр юритишининг асосий кафолати тариқасида қарашимиз ва бу масалага катта эътибор беришимиз керак.

Азиз дўстлар!

Жамият ҳаётида муносиб ўрин ва обрў-эътибор қозониш учун бугунги шиддаткор замонда журналист аҳли, оммавий ахборот воситалари ходимлари ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан барпо этиш йўлида олиб бораётган умумхалқ ҳаракатимизнинг энг олдинги сафларида бўлиши албатта шарт, десак, ўйлайманки, ҳаммангиз шу фикрга қўшиласиз.

Сизларни қутлуғ байрамингиз билан яна бир бор табриклар эканман, ҳаётда мана шундай юксак марраларни эгаллашда барчангизга сиҳат-саломатлик, ижодий ютуқлар, бахт ва омад ёр бўлишини тилайман.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясида «Ўзбекистон Республикаси сайлов қонунчилигининг ҳуқуқий асослари ҳамда 2004 йилда парламент сайлови кампаниясини уюштириш масалалари» мавзуида семинар-тренинг бўлиб ўтди. Ушбу тадбир Марказий сайлов комиссиясининг «Ўзбекистон қонунлари ва 2004 йилда демократик сайлов ўтказиш механизмлари тўғрисида»ги туркум семинарлар режасига асосан ташкил этилди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Девони масъул ходимлари, Марказий сайлов комиссияси аъзолари, Олий Мажлис депутатлари, сиёсий партиялар, жамоат бирлашмалари, жамғармалар раҳбар ва ходимлари, олимлар, мамлакатимиз ва чет эл оммавий ахборот воситалари вакиллари қатнашди.

Анжуманни Марказий сайлов комиссиясининг Раиси Б.Мустафоев бошқарди ва «Эркин демократик сайловларнинг ҳуқуқий асослари» мавзуида маъруза қилди.

Олий Мажлиснинг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Н.Исмоилов «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонуннинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида, Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси А.Саидов «Ўзбекистон Республикасининг сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари халқаро сайлов стандартлари контекстида» мавзуида маъруза қилди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ халқ давлат ҳокимиятининг ягона манбаидир. Ўзбекистон фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эга. Бундай иштирок давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш йўли билан амалга оширилади. Ўзбекистон фуқаролари давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эгадир. Бунда сайловлар умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан ўтказилади. Ҳар бир сайловчи бир овозга эга. Овоз бериш ҳуқуқи, ўз хоҳиш-иродасини билдириш теңглиги ва эркинлиги қонун билан кафолатланади.

Қонун ҳужжатларига мувофиқ бу йил мамлакатимиз сиёсий ҳаётида катта ижтимоий-сиёсий воқеа — янги, икки палатали парламент ва халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайловлар бўлиб ўтади. Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасига сайлов Марказий сайлов комиссияси, округ сайлов комиссиялари ва участка сайлов комиссиялари томонидан ташкил этилади ва ўтказилади. Қонунчилик палатаси депутатлари фуқаролар томонидан бевосита сайланадилар.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасига сайловларни ўтказиш учун тузиладиган сайлов комиссиялари тизимига бошчилик қилади, уларнинг фаолиятини услубий жиҳатдан таъминлайди. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонуннинг ижросини назорат қилади.

3-бет

ҚЎШМА КОМИССИЯ МАЖЛИСИ

25 июнь куни Тошкентда Кўп томонлама ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Украина қўшма комиссиясининг олтинчи мажлиси бўлиб ўтди.

Уни комиссия ҳамраислари — Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Мирзиёев ва Украина Бош вазири Виктор Янукович бошқарди.

Ўзбекистон ва Украина халқлари ўртасидаги дўстона алоқалар вақт синовидан ўтган ва яхши анъанага айланган. Истиқлол йилларида икки давлат раҳбарларининг ҳамфикрлиги ва сиёсий қатъияти туфайли мамлакатларимиз ўртасида барча соҳада ҳамкорликни ривожлантириш учун қулай шароит яратилди. Бироқ, савдо-иқтисодий ҳамкорлик яхши самара бераётганига қарамай, тан олиш жоизки, ҳамкорлигимиз қамрови ҳозирча салоҳият ва имкониятлар даражасида эмас. Қўшма комиссия мажлисида бу масалага алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон билан Украина ўзаро муносабатларни муттасил ривожлантириб келмоқда. Украина МДҲ мамлакатлари орасида Ўзбекистоннинг энг йирик савдо шерикларидан бирига айланган. Мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий муносабатларнинг ҳуқуқий асосини қиррқа яқин ҳужжат, жумладан, «Эркин савдо тўғрисида», «Сармояларни ўзаро ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлаш тўғрисида», «Ишлаб чиқариш кооперацияси тўғрисида» каби битимлар ташкил қилади.

Икки томонлама ҳамкорликнинг узоқ муддатли стратегиясини ишлаб чиқиш мақсадида Ўзбекистон ва Украина ўртасида иқтисодий ҳамкорликнинг асосий йўналишлари тўғрисида битим имзоланган. Икки томонлама муносабатлар мунтазам фаолият кўрсатиб келаётган Кўп томонлама ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Украина қўшма комиссияси томонидан мувофиқлаштириб келинмоқда.

Ўзаро ҳисоб-китоблар механизми яратилди — ваколатли банклар ўртасида ўзаро ҳисоб-китоб ва тўловлар борасида алоқа ўрнатилди.

Айни пайтда Ўзбекистон билан Украина ўртасидаги эркин савдо тартиби жорий этилган. Маълумотларга кўра, 2003 йили Ўзбекистон билан Украина ўртасидаги савдо кўрсаткичи аввалги йилдагига нисбатан 2,3 баробар ўсиб, 244 миллион АҚШ долларини ташкил этган.

Мамлакатимизда Украина ишбилармонлари билан ҳамкорликда тузилган 40 қўшма корхона фаолият юритмоқда. Шунингдек, Украинада Ўзбекистон сармояси иштирокида тузилган 22 қўшма корхона ишлаб турибди.

Мажлисда ҳамкорликнинг ҳозирги аҳволи ва уни тараққий эттиришнинг устувор йўналишларига оид масалалар муҳокама қилинди. 2003 йил январда бўлиб ўтган қўшма мажлис ҳужжатларининг амалиётга жорий этилиши кўриб чиқилди. Илмий-техникавий, савдо-иқтисодий, банклараро ҳамкорлик, транспорт, ҳарбий-техникавий алоқалар таҳлил этилди. Жиноятчилик, террорчилик ва наркобизнес каби иллатларга қарши курашда ва Афғонистонни тиклашда ҳамкорликни янада кенгайтириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Мажлис якунида мамлакатларимиз ўртасида эркин савдо бўйича 1994 йил декабрда имзоланган битимга ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги протокол, давлат мулки қўмиталари ўртасида ахборот алмашиш соҳасида ҳамкорлик, маъмурий-ҳудудий тузилмалар, жумладан, Навоий ва Запорожье, Самарқанд ва Львов, Қашқадарё ва Сум вилоятлари ўртасида узоқ муддатли савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорлик тўғрисидаги битимлар имзоланди.

Шу куни Ўзбекистон ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги раисининг биринчи ўринбосари Насриддин Нажимов ва Украина тадбиркорлар кенгаши раиси Дмитрий Швец ҳамраислигида икки мамлакат ишбилармон доираларининг бизнес-анжумани ҳам бўлиб ўтди. Унда турли соҳаларда фаолият кўрсатаётган корхоналар, фирма ва компаниялар ҳамда муассасалар раҳбарлари қатнашди.

Тадбирда мамлакатларимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар, ҳамкорликнинг истиқболли йўналишлари ҳақида гап борди. Икки мамлакат ишбилармон доиралари вакиллари ўз бизнес режалари ҳақида сўзлади. Тўғридан-тўғри алоқаларни ривожлантиришнинг янги имкониятлари кўриб чиқилди.

Саидмурод РАҲИМОВ,
ЎзА мухбири

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

«ЙИЛНИНГ ЭНГ ФАОЛ ЖУРНАЛИСТИ»

(2003 йил) танлови ғолибларини эълон қилади:

Пардагул ХЎЖАМУРОДОВА, «Еркин Қорақалпоғистон» — «Вести Каракалпакистана» газеталари мухбири — Ижтимоий-сиёсий мавзудаги «Орол қизлари» туркум мақолалари учун

Норқобил ЖАЛИЛ, «Ўзбекистон» телеканали «Маънавият» студияси катта муҳаррири — Маънавий-маърифий мавзудаги «Яхшилик» туркум кўрсатувлари учун

Шоҳаҳҳор САЛИМОВ, «Тошкент халқаро радиоси» мухбири — Халқаро мавзудаги «Ўзбекистоннинг Афғонистонда тинчлик жараёнига қўшган ҳиссаси» туркум эшиттиришлари учун

Асрор МЎМИНОВ, Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти мутахассиси, спорт шарҳловчиси — Спорт мавзусидаги китоблари, очерклари ва мақолалари учун

Николай БАРАШКИН, «Правда Востока» газетасининг Жиззах вилояти мухбири — Долзарб мавзудаги муаммоли-таҳлилий мақолалари учун

Муталиб КАРИМОВ, Фарғона вилояти Охунбобоев тумани «Истиқбол йўли» газетаси шарҳловчиси — Туман газетасида «Журналист суриштируви» рукни остидаги чиқишлари учун

ҚУЙИДАГИ ЖУРНАЛИСТЛАР ИЖОДИ ТАНЛОВНИНГ РАҒБАТЛАНТИРУВЧИ МУКОФОТИГА САЗОВОР БЎЛДИ:

Жўра БОБОРАҲМАТ (Ўзбекистон телевидениеси), **Жаҳонгир ИСМОИЛОВ** («Бухоронома» газетаси), **Шарофиддин ТЎЛАГАНОВ** (Ўзбекистон радиоси), **Гулнора УЗОҚОВА** (Шаҳрисабз шаҳар телевидениеси), **Иззат ҲИКМАТ** («Ишонч» газетаси), **Пўлат ҲАМДАМ** (Наманганлик фахрий журналист), **Аброр ИМОМХЎЖАЕВ** («Наврўз» радиостанцияси).

Ғолиб ва совриндорларни чин қалбдан муборакбод этамиз!

Қудратли қалам тутган қўлларингиз ҳеч қачон толмасин.
Буюк манзиллар томон тикилган кўзларингиз ҳамиша порласин.
Айтмоқчи бўлган сўзингиз ҳеч қачон юрагингизда қолмасин.
Байрамингиз муборак бўлсин, азиз ҳамкасблар.

Суратда: мамлакатимиз оммавий ахборот воситалари ходимларидан бир гуруҳи.



Муҳаммад АМИН (ЎзА) олган сурат

Халқ демократик партияси ҳаётидан

ТАКЛИФЛАР, МУАММОЛАР, МУЛОҲАЗАЛАР

Бугунги кунда жамиятимизда сиёсий партияларнинг ўрни ва аҳамияти тобора ошиб бораяпти. Касби-кори, мавқеидан қатъи назар ҳар бир фуқаро уларга нисбатан сергак ва кузатувчанлик билан қарамоқда. Зеро, ижтимоий-иқтисодий ҳаётда рўй берган янгиланишлар, давлат ва фуқаролик жамиятини бунёд этиш, ҳуқуқий, сиёсий, маданий тафаккуримизни шакллантиришдек вазифаларни адо этишда ҳар биримиз масъулиятли шахс эканлигимизни юрак-юракдан ҳис этишга фурсат етди. Мавжуд сиёсий партияларнинг республика бўйлаб ўтказаётган семинару анжуманларининг мақсад ва вазифалари ҳам ана шундай эзгу ишларга қаратилган.

— Юртимиз маданият ва илм-фаннинг қадимий ўчоғидир. Элимизнинг маърифатга ташналигини қондириш, истеъдодли ёшларимизни қўллаб-қувватлаш каби юмушларни кундалик ташвишимиздек қабул қилмоғимиз зарур. Сиёсий партиялар аҳолининг турмуш шароитини фаровонлаштиришга, уларнинг эзгу ниятларини рўёбга чиқаришга хизмат қилмоғи керак, — деди Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши биринчи котиби Аслиддин Рустамов Зангиота туманидаги ҳарбий қисмнинг аскарлару офицерлари билан мулоқот чоғида.

2-бет

ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ
Хизматлар лицензияланган

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
MULKDORGA HAMKOR!
Tel: 132-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74
WWW.tshmbm.uz E-mail: info@tshmbm.uz va Birja@mail.tps.uz
Хизматлар лицензияланган

O'ZBEKISTON HAVO YO'LLARI
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

ALOQABANK — aniq, tez, ishonchli!
Tel: 137-23-98, 137-10-20, 134-75-57; Faks: 136-76-22.
WWW.alokabank.uz E-mail: info@alokabank.uz
Хизматлар лицензияланган

ЭРТАГА – МАТБУОТ ВА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХОДИМЛАРИ КУНИ

Ҳамкасблар фикри

ЖУРНАЛИСТ — ЗАМОННИНГ КЎЗИ

ЁКИ ҚАЛБИМГА БИР НАЗАР

Ўтган йили байрамимиз арафасида водийлик ҳамкасбларимдан бир латифани эшитгандим. Қаранг, орадан бир йил ўтиб шу кунларда ўша латифа ёдимга тушди.

... Айни шу замонда бир амалдорнинг ўғлига одамлар «шаҳзода» деб лақаб қўйган эканлар. «Шаҳзода»нинг кўнгли балиқ овини тусабди-ю, шогирдлари бориб дарёнинг бўйига кўчма қаср қуришибди. «Шаҳзода» ўша куни янги бўёқдан чиққан оққушдек енгил машинада бу ерга келибди-да, соҳилдаги тахтиравонга ёнбошлаб, бошини пар ёстиққа, оёғини зар ёстиққа қўйиб, қармоқни сувга ташлабди. Қаранг-ки, ҳеч қанча кутмабди, қармоққа балиқ... оддий эмас, олтин балиқ илинибди. Ҳаётда бундай мўъжизаларни кў-ўп кўрган «шаҳзода» унча ҳайратланмабди-ю, лекин олтин балиқчанинг гапи...

— Шаҳзода, жо-он шаҳзода, — деб ялинибди олтин биликча, — мени қўйиб юборгин, нимани истасанг, муҳайё қиламан!

«Шаҳзода»нинг юз-кўзларида қандайдир норозилик зоҳир бўлганини кўрган олтин балиқ: «Конкрет гапирмасам бўлмайди шекилли», — деб ўйлаб:

— Тила тилагингни! — дебди.

Бу гапдан «шаҳзода»нинг энсаси қотиб:

— Ўзинг тила тилагингни! — дебди...

Қаранг, у ўзини қанчалик қудратли ҳисоблаган.

Айни шу замонда водий аҳолиси ўртасида тўқилган ёу замонавий латифанинг қаҳрамони ким бўлиши мумкинлигини аксар одамлар шарҳсиз тушунадилар. Уни эшитганимдан буён бир йил ўтган эса-да, бугун уни мақоламга муқаддима қилиб ёзаяпман. Лекин бундан икки ойгина аввал ҳам тор давраларда сўзлашим, уни истаганча таҳлил қилишимиз мумкин эди-ю, лекин оммавий ахборот воситаларида зинҳор ба зинҳор ёритиш мумкин эмасди. Бу воқеани матбуот орқали халқ муҳокамасига ташлашга, рости, қўрқардим. Мен бу журъатсизлигимни тан оламан. Биз одатда воқеа-ҳодиса бўлиб ўтгач ёзишга киришамиз.

Журналист — замоннинг кўзи дейміз. Лекин бу кўз атрофда бўлаётган воқеаларни, уларнинг моҳиятини қандай кўради: қалби биланми, шунчакими ёки кўриб кўрмасликка оладими?.. Ҳар қандай жамиятнинг тараққиёти, маънавий даражаси мана шуларга ҳам боғлиқ эканлиги ҳеч муболаға эмас.

Аммо биз... тарих ва замон, жамият олдидаги ана шу масъулиятимиз, шарафимиз юкини кўтаришда... тўғри сўзимизнинг Ватан, миллатга келтирадиган манфаатини тарозининг бир палласига, худди шу тўғри сўзимиз оқибатида чекимизга тушадиган «фойда ёки зарар»ни тарозининг иккинчи палласига қўйиб тортиб кўргач, ундан сўнг сих ҳам, кабоб ҳам қуймайдиган қилиб ёзадиган пайтларимиз кўпми, озми?!

Бу гапларимдан айрим ҳамкасбларни хафа бўлишлари табиий. Узр сўрайман, агар қабул қилсалар. Лекин... мақоланинг аввалида келтирилган латифа анчадан буён кўпчилик учун, жумладан, журналистлар учун ҳам янгилик эмасди-ку! Нега унда жим юрдик?

Тўғри, ўтган асрнинг Мустақилликкача бўлган даври халқимиз учун, айниқса, миллатнинг гули бўлган зиёлилар учун кетма-кет қатағонлар, маънавий истибдодлар даври бўлди. Шунданми, ҳамон руҳимизда «Тўғри сўзни айтсам, бошимга тўқмоқ бўлмасмикин?» — деган ҳадик яшаётган бўлса, ажабмас. Бироқ... аввало у замонлар ўтди. Халқимизнинг маънавий эркинлигидан тортиб, моддий бойликларга эгалик ҳуқуқи билан боғлиқ бўлган барча-барча мавзуларда танқидий-таҳлилий мақолалар янгилик бўлмай қолди. Фақат шу ўринда ҳам яна бир бор тан олишимиз керак: «Ёв қочганда ботирга айланадиган»лар кўпроқмиз.

«Инсоннинг асл қиёфасини билмоқчи бўлсангиз, ё мансаб бер, ё давлат», — деган мақол бор. Мансаб курсисига ўтиргач, ички пинҳон оламини аста-секин намоён қила бошлаган, халқдан узоқлашиб манманлик дарди зўриқиб бораётган айрим раҳбарларни ўраб олган лаганбардорлар, ҳайбаракаллачилар, бошлиқнинг камчиликларини ҳам фазилатга йўйғувчилар орасида ҳеч қачон мен бўлмаганман, деб айта оламизми?

Журналистнинг жамиятдаги ҳар қандай хато, камчиликни кўриб кўрмасликка олиши, уни хаспўшлаши ва ялтироқ қоғозга ўраб халққа тутиши мисоли бошланиб келаётган оғир дардни шунчаки яшириш ёки унга нотўғри бўлса-да, беозор муолажа қилиш билан тенгдирки, эртага бу касал ё оғир асоратларга олиб келиши, ёки дарди бедавога айланиб кетиши тайин.

Ҳис қилиб турибман: «Сен гапираверасан-да! Танқидни тушунмайдиган, танқид қилганинг учун кунингни кўрсатадиган бошлиқлар бор», дейдилар айрим ҳамкасбларим.

... Подшоҳ тушининг таъбирини айтиб неча мулозимларнинг боши кетганда, айни ўша таъбирни санъаткорона, донолик билан ифодалаб инъомлар олган вазир ҳақида эшитганмизку, Журналистлик касби ҳам нафақат воқеа-ҳодисаларни қайд этиш, балки маҳорат, санъаткорлик, ишнинг кўзинию турфа одамларнинг тилини топиб ёзиш дегани. Журналист нафақат жабрланган, озор чеккан тарафнинг, ҳаттоки жабрловчи, озор бергувчининг ҳам ҳимоячиси — шу маънодаки, унинг тўғри йўлга ўтишини чин дилдан истайдиган холис шахс бўлиши керак. Чунки, ҳар қандай хато умумжамиятга зарар келтиргани каби, унинг олди олиниши ёки тузатилиши — жамиятнинг манфаати. Шунинг учун ҳам журналистнинг қаламини тўқмоққа эмас, ўткир тиғ билан қиёслайдилар. Унинг топиб айтган сўзи жамиятнинг катта-ю кичик дардини моҳир жарроҳнинг тиғи каби илдизидан қирқиб даволайди.

Ва яна бир мулоҳазаки, «Қўлингдан келса, яхши сўз айтиб, кўнгилларни хушнуд қил. Агар бу иш қўлингдан келмаса, ҳеч бўлмаганда, жим тургин — одамларни хафа қилмагин», — дейилади Ҳадиси Шарифда.

Агар қайсидир мансабдорнинг хоҳ кичик, хоҳ отнинг қашқасидай элга маълум бўлган камчилиги, халқу давлат унга ишониб топширган масъулиятига яраша майдиган қусурлари, манманликлари тўғрисида қаловини топиб ёзиш қўлимиздан келмас экан, ҳеч бўлмаса, тилимизни тияйлик. Унга лаганбардорлик қилиб, ўзида йўқ фазилатларини тўқиб ёзишга уялайлик. Манманлик чоҳига яқинлашиб келаётган кимсаларнинг жарга қулашини яқинлаштиришдан, мана шу аснода халқнинг моддий ва маънавий бойликларини ҳам ўпириб кетишдан, муқаддас орзуларга бўлган ишончларнинг қилча бўлса-да, дарз кетишидан сақланайлик.

Ҳалол, покиза ишлаб, юртга, халқга садоқат билан меҳнат қилаётган ҳамкасбларимиз оз эмас албатта. Аммо, касбимизни улғлаш, унга муносиб бўлиш, машаққатларига бардош бериш ҳар биримизнинг бурчимиз деб ўйлайман.

Муҳтарама УЛУҒ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими





Суратларда: тележурналист, «Давр интервью» бошловчиси Юлдуз Очилова.

Ўзбекистон телевидениеси «Таҳлилнома» кўрсатуви бошловчилари (чапдан) Наврўз Ризаев, Алишер Ҳошимов ва оператор Жавдат Рахмонбердиевлар навбатдаги кўрсатув олдидан фикрлашмоқдалар.

ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультети 5 ёшга тўлди

ХАЛҚАРО ПАРВОЗНИНГ ҚЎШ ҚАНОТИ

Бундан 5 йил муқаддам Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорига биноан Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети таркибида халқаро журналистика факультети ташкил этилган эди. Ўтган йили ёзда илк қалдирғочлар — юздан ортиқ йигит-қиз «Халқаро журналист» дипломига эга бўлиб, ҳаётга йўлланма олди. Айни пайтда улар журналистика оламида ўз ўринларини топаётир.

Ўнлаб талабаларимиз хорижий мамлакатларда билим ва малакаларини янада ошириш билан бир қаторда меҳнат фаолиятларини ҳам бошлаганлар. Ўтган йили «Германия тараққиёт босқичида Паблик рилейшнзнинг ривожланиши (парламент фаолияти мисолида)» мавзуида битирув малакавий иши ёзган Нилуфар Очилова 2 ой Германия парламентида малака ошириб қайтди. Иқтидорли талабаларимиздан Дилдора Раҳимова бир йил мобайнида Хитойда таҳсил олди, бир йилдан буён Японияда таҳсил олаётган Акмал Абдураҳмонов эса яна уч йил Кунчиқар юртда сабоқ олади. Айни пайтда ёш халқаро журналистларимиздан Ирода Ҳожиқулова ва Эркин Мирзиёев Англияда, Саидакром Саидаълоев ва Камолиддин Ҳамзаев АҚШда, Жамшид Шарипов Ҳиндистонда фаолият кўрсатишаётган бўлса, бошқа иқтидорли талабаларимиз Япония, Миср, Корея, Хитой каби илғор мамлакатларнинг университетларида билим ва малакаларини оширмоқдалар.

Ҳар қандай соҳанинг асл пойдевори — илм. Журналистика соҳасининг илмий-назарий пойдеворини ривожлантириш бу соҳа олимларидан катта масъулият талаб қилади. Бинобарин, дарслик ва ўқув қўлланмалар яратиш борасида олдимизда улкан вазифалар турибди. Факультетимиз профессор-ўқитувчилари бу борада жиддий изланмоқдалар. Улар яратажак дарслик ва ўқув қўлланмалар бўлғуси халқаро журналистларнинг илмий тафаккурини шакллантиришга хизмат қилмоғи зарур.

Ҳар бир кафедрада илмий салоҳиятни оширишга алоҳида эътибор берилмоқда. Бугунги кунда факультетда 2 киши докторантурада, 5 киши аспирантурада таҳсил олиб, ўнга яқин бўлғуси олимлар тадқиқотчи сифатида илмий мавзулар устида ишламоқдалар. Бу йил тўрт нафар ёш тадқиқотчининг номзодлик диссертацияси ҳимояга тавсия этилди.

Дунёни англамоқ учун дунёвий билимларни ўрганмоқ зарур. Айниқса, «ҳаёт кўзгуси» деб аталмиш матбуот соҳасида юксак чўққилар сари интилган инсон аввало, илмли бўлсин. Ҳар қандай қаламкаш ижод қилишдек ноёб истеъдодини илмий тафаккур ила мустаҳкамлаб борса, айтадиган гапи аниқ, асосли ва дадил бўлади.

Файзулла МЎМИНОВ,
факультет декани ўринбосари, филология фанлари доктори, профессор

СУРАТЧИЛАР СУЛОЛАСИ

ёхуд ота изидан бориб унинг касбини эгаллаган тўртовлон ҳақида

Асрор Акрамов номини нафақат Самарқанд вилоятида, балки республикамизда ҳам яхши билишади. Салкам ярим асрлик умрини ўзбек матбуоти ривожига, айниқса фотожурналистика соҳасига бағишлаган бу камтарин, ҳалол инсоннинг кўпчилик билмайдиган яна бир ютуғи, ҳаёт инъом этган мукофоти бор. Бу — фарзандлар камоли.

Машҳур араб адиби Халил Жаброн: «Ота-она — камон, фарзандлар эса шу камондан отилган ўқ, ўқ камон кўра олмаган келажакда яшайди, демак у камондан кўра илғорроқ бўлиши табиий», деб ёзган эди. Ҳозирги кунда Асрор отанинг тўнғич ўғли Бахтиёр «Қишлоқ ҳаёти»да, Шавкатжон «Ўзбекистон овози» газетасида, учинчи ўғил Азизбек жамоатчи фотожурналист сифатида, суратчилар сулоласига қуёв бўлмиш Икромжон Ҳасанов эса «Ишонч» газетасининг фотомухбири бўлиб ишлаб келмоқда.

Ёши етмишдан ошган фахрий фотожурналист Асрор Акрамов эса тез-тез таҳририятларга ташриф буюриб, фарзанду шогирдлари ҳолидан хабар олади. Уларга ўз ҳаётий тажрибасидан келиб чиқиб маслаҳатлар беради.

Суратчилар сулоласининг кейинги ишларига ҳам улкан зафарлар ёр бўлсин.

Фарруҳ ҲАМРОЕВ

Суратда: Асрор Акрамов ҳамкасб фарзандлар даврасида.



Халқ демократик партияси ҳаётидан

ТАКЛИФЛАР, МУАММОЛАР, МУЛОҲАЗАЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда.)

— Бунинг учун кўп ишларни қилишимиз, жумладан, биз партия фаоллари ва депутатларимиз халқ орасига яқинроқ кириб боришимиз, мавжуд муаммою камчиликларни бартараф этишда сидқидилдан кўмаклашишимиз даркор. Шу боис ҳам бугун сиз — Ватанимиз сарҳадларини, халқимиз осойишталигини ҳар қандай хавф-хатардан зийрагу огоҳлик ва куюнчаклик билан ҳимоя қилаётган сизнинг ҳузурингизда жамулжаммиз. Бугунги ёшларнинг дунёқараши тамомила бошқача. Улар сиёсатга «панжа орасидан» эмас, ҳақ-ҳуқуқларини таниган ҳолда ёндашмоқда. Улардаги бундай шижоату ғайрат бизнинг зиммамизга халқ ишончига муносиб бўлиш вазифасини юкламоқда.

ХДП Тошкент вилоят кенгаши биринчи котиби Сирожиддин Аъзамов шундай деди:

— Илгари маънавий-моддий манфаат йўлида бирон бир амалий ишга қўл уриш жуда ҳам мушкул эди. Миллий қадриятларимиз, тарихимизни тиклаш борасидаги барча ишлар тазйиқу тақиқлар остига олинарди. Эндиликда эса, ёшларимиз учун дунё илм-маърифат эшиклари ланг очиқ. Фақат уларга озгина эътибор қаратишимиз кифоя...

Мен ўзимнинг тажрибамга таянган ҳолда шуни айтмоқчиманки, мустақил сўзига эга, кўзлаган режасига собит инсонга омад ҳамиша кулиб боқади. Орамизда ҳукуматимиз томонидан қабул қилинаётган қатор фармойишлару уларнинг амалдаги татбиқидан умуман бехабар раҳбар ходимлар ҳам йўқ эмас. Халқ орасида турли миш-мишлару норозиликларнинг пайдо бўлишига лоқайдлигу беписандлик сабабчи эмасмикан? Биз бугун шу масалалар ечимига кўпроқ диққат қаратяпмиз.

Мулоқот мулоқотга уланди. Мурод Шомуродов, Анвар Усмонов, Шуҳратбек Акбаров каби аскару офицерлардан ХДП фаолияти билан боғлиқ саволлар беришди. Шунингдек, бу каби учрашувлар, суҳбатлар уларга зиммаларидаги шарафли ва машаққатли бурчига бўлган садоқат ҳиссини янада кучайтиришга хизмат қилишини таъкидлаб ўтишди.

Айниқса, юз-кўзларида Ватани, халқига бўлган садоқату муҳаббати уфуриб турган алпқомат аскарлар томонидан кўтарилган танқидий ўй-қарашлар кўпчилик эътиборини жалб этди:

— Аскар, — дейди катта лейтенант Дилмурод Холиёров, — қачонки шахсий ҳаётида, оиласида осойишталик бўлсагина хизматини хотиржам ўташи мумкин. Яна шуни ҳам айтмоқчиманки, аҳоли яшайдиган ҳудудларга яқин жойлашган ҳарбий қисмларнинг ободлигию тоза-ораталиги уларга қўшни маҳалла ёки қишлоқ аҳолисининг ҳимматига ҳам боғлиқ. Мана, масалан, казармамиз ёнгинасида жойлашган «Ҳаракат» маҳалласини олайлик. Биз сув хавзалари ва кўчаларни қанчалик тоза-озода тутишга ҳаракат қилмайлик, маҳалладагилар чиқиндиларни дуч келган ерга тўкиб кетаверишади. Ёки бўлмаса, ҳарбий қисм билан шаҳар марказини боғлаб турувчи биттаю битта қатнов йўлимиз қишда лойлиги, ёзда эса, қуюндек кўтарилган чангу тўзонларнинг ётоқхоналаримизга бостириб келиши билан бизни ҳамон ташвишга солмоқда. Масъул идоралар бу ҳолга қачон эътибор беришаркин?

Мусаллам УМИРОВА,
журналист

АЁЛ — ЖАМИЯТ ТАЯНЧИ

Муносабат

Аёл — оила тиргаги. Оила эса жамият таянчи. Демак, аёл жамият ривожида, унинг маънавий юксалишида жуда муҳим ўрин тутади. Масалан, биргина фарзанд тарбиясини олинг. Бу борада ҳеч ким аёлнинг — онанинг ўрнини боса олмайди. Халқимизнинг аждодлардан авлодларга ўтиб келаётган ўзига хос тарбия мактаби анъаналарини мужассам этган, ўқимишли, ижтимоий-сиёсий жиҳатдан фаол, ҳаёт гўзаллигини эзгулик призмаси орқали кўрадиган она қўлида улғайган ўғил-қиз ноқобил бўлмайди, аксинча, юрт корига ярайдиган, унинг шуҳратини оширадиган, ғурурини, ориятини ҳимоя қиладиган фарзандлар бўлиб етишади, деган доно сўзлари бор.

Куни кеча Оқсаройда Ўзбекистон Республикаси Президентининг **«Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»**ги Фармонида белгилаб берилган вазифалар муҳокамасига бағишланган мажлис тафсилотларини телевидение орқали кузатар эканман, даставвал, юқоридаги фикрлар хаёлимдан ўтди.

Таъкидлаш жоизки, мустақиллик йилларида хотин-қизларимизнинг жамият ҳаётидаги ўрни ва нуфузини ошириш, уларнинг манфаатини ҳимоя қилиш, оналик ва болаликни муҳофаза этиш, аёл зотига бўлган эътибор ва ғамхўрликни кучайтириш борасида мамлакатимизда қатор ишлар амалга оширилди. Буни ҳеч ким инкор эта олмайди. Лекин бугунги кунда ҳаётнинг ўзи республикамиз аҳолисининг ярмидан кўпини ташкил этадиган хотин-қизларимиз ташкилотларида ишни янада такомиллаштириш лозимлигини кўрсатмоқда.

Давлатимиз раҳбари мажлисда қайта-қайта уқтириб ўтганидек, бутун маърифий дунёда хотин-қизлар манфаати, деган алоҳида масала борлиги ва уни ўрганиш, ечимини топишга жуда катта аҳамият берилиши бежиз эмас. Агар биз эртанги кунимиз ҳақида қайғурадиган бўлсак, аёлларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги иштирокини, бошқача айтганда, хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини фуқаролик жамиятининг том маънодаги ўзвий бир қисмига айлантириш тўғрисида бош қотиришимиз керак.

Дейлик, хотин-қизлар қўмиталари аёллар муаммолари бўйича муайян таклиф-ташаббус билан чиқса-ю, уни ҳал этиш учун керакли маблағ топа олмаса — бу ҳол адолатдан бўлмасди. Айни шу жиҳатлар ҳисобга олиниб, мазкур ташкилот давлат томонидан молиялаштириб келинмоқда. Аммо, минг афсуски, буни айримлар, Президентимиз таъбири билан айтганда, қанақадир алоҳида «ваколат» деб тушунмоқда. Хотин-қизлар қўмиталарининг айрим раҳбарлари ўзларини аёллар жамоатчилигининг вакили эмас, балки уларни бошқариш учун қўйилган давлат ходими, назоратчиси, деб билаётгани ҳам ҳеч кимга сир эмас. Бу эса мамлакатимиздаги миллионлаб аёллар билан улар манфаатининг ифодачиси ва ҳимоячисига айланиши керак бўлган ташкилот ўртасида бўшлиқ вужудга келишига сабаб бўлиши мумкин.

Аслида эса жамият ҳаётида ҳеч қандай бўшлиққа йўл қўйиб бўлмайди. Айтмоқчиманки, жамият фаолларининг сусткашлиги ёхуд лоқайдлиги туфайли бирор бўғинда пайдо бўлган узилиш, эътиборсизлик ўрнини зудлик билан бошқа бизга ёт бўлган кучлар эгаллашлари мумкин. Кейинги пайтларда террорчилар орасида аёллар учраб қолаётгани ёки наркотик моддаларни назорат пунктларидан олиб ўтишдек қабиҳ ишлардан тоймайдиган хотин-қизлар кўпайиб бораётгани биз тилга олган ана шу бўшлиқ ташқи кучлар таъсиридан батамом холи эмаслигидан далолат беради.

Бинобарин, терроризм, диний экстремизм, ақидапарастлик ва гиёҳвандлик каби иллатларнинг олдини олишда, фарзандларимизни бундай бало-қазолардан асраш учун курашда ҳам аёлларимизнинг фаоллиги муҳим аҳамият касб этади. Лекин бу борада фуқаролик жамиятнинг икки муҳим бўғини — маҳалла ва хотин-қизлар қўмиталари ўзаро ҳамкорликда, уйғун фаолият кўрсатсагина кутилган натижаларга эришиш имкониятлари кенгаяди.

Бизга яхши маълумки, мамлакатимиз аҳли муҳим сиёсий тадбир — икки палатали парламентга сайловлар арафасида турибди. Ана шундай жараёнларда, яъни хотин-қизларнинг сайланадиган, вакиллик ва бошқа давлат ҳокимият идораларидаги кенг иштирокини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Ғайратли, талабчан, билимдон, ҳаёт мазмунини тўғри тушунадиган аёлларнинг ҳокимият вакиллик органларига сайланиши ва уларнинг фаолиятида бевосита иштирок этиши учун янада кўпроқ имкониятлар яратиш олдимизга қўйган улуғвор мақсадларни амалга оширишда муҳим роль ўйнайди.

Қисқаси, бугун юрт тараққиёти, турмуш фаровонлигини белгилашда асосий омил бўлган фуқаролик жамияти институтларини мустаҳкам бир занжирга қиёсласак, аёллар манфаатини ҳимоя қиладиган ташкилот — хотин-қизлар қўмитаси ана шу яхлитликнинг ўзвий бир бўлаги сифатида ўзини кўрсатиши керак.

Турсунбой МИРЗАЕВ,
юридик фанлари доктори, профессор.

Муносабат

КЕЛАЖАК ОРТГА ҚАЙТМАЙДИ

Миллатимиз, динимиз ва азалий қадриятларимизга мутлақо зид бўлган терроризм ва террорчилик ҳаракатлари остонамизда таҳлика солиб турганлигини жорий йилнинг баҳорида мамлакатимизда содир этилган мудҳиш террорчилик ҳаракатлари яна бир карра исботлади. Ушбу воқеалар нафақат ўзбек халқини, балки бутун дунё жамоатчилигини ларзага келтирди, десак муболаға бўлмайди.

Халқимизда «Тил яраси битади, лекин дил яраси битмайди», деган нақл бор. Афсуслар бўлсинким, ўша мудҳиш воқеалар сабабли ўз яқинларидан айрилган юрт-дошларимизнинг қалби бир умрга жароҳатланди. Қайси бир оила отасидан, яна қай бири фарзандидан жудо бўлди. Бегуноҳ одамлар қалбини яралаган шахслар ватан хоинларими ёки халқ душманларими? Уларни ўз Ватанига, ўзини вояга етказган эл-юртига қарши чиққан нобакорлар, деб аташга ҳақлимиз.

Ўзбек миллати тарихида яқин пайтгача умуман қўлланилмаган терроризм сўзи лотинчадан тўғридан-тўғри таржима қилинганда «даҳшат солиш», «қўрқитиш» маъносини билдиради. «Терроризм» амалдаги Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 155-моддасида назарда тутилган ғортлатишлар, ўт қўйишлар ёки одамларнинг ҳалок бўлиши, катта мулкий зарар келтириш ёхуд ижтимоий хавфли оқибатларга олиб келиш ҳолатларини яратувчи бошқа ҳаракатлар содир этишдан иборат бўлган ва жамоатчилик хавфсизлигига қарши қаратилган жиноятдир.

Оддий фуқаро сифатида мен ушбу мудҳиш воқеаларни содир этган кимсаларнинг асл мақсадлари республикамизнинг конституциявий тузумига, аниқроғи, Асосий Қонунимизнинг 13-моддасидаги «Ўзбекистон Республикасида демократия умуминсоний принципларга асосланади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадриятлар ҳисобланади...» деган нормага қарши қаратилган, деб баҳолардим.

Шунингдек, ушбу ҳаракатлар Конституциянинг 24-моддасидаги «Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир. Инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноятдир» деб белгиланган қоидага ва Яратганнинг иродаси билан табиатнинг энг олий хилқати бўлган инсони-шарифга нисбатан очиқдан-очиқ тажовуздир. Чунки ҳар бир инсоннинг ҳаёти олий қадрият бўлиб, уни бу ҳуқуқдан маҳрум қилиш энг аввало ҳаётнинг асос илдизларига болта уриш демакдир. Инсон ҳаёти том маънода дахлсиз ҳисобланади.

Президентимиз таъкидлаганларидек, «Юртимиз тинчлигига, болаларимиз ва аёлларимиз, кексаларимизнинг осойишта ҳаётига кимки тажовуз қилган бўлса, муқаррар равишда ўз жазосини олиб келган ва бу сафар ҳам шундай бўлади. Жиноятчилар амалдаги қонунларимиз, халқаро ҳуқуқий нормалар асосида суд олдида жавоб беради».

Кези келганда шуни алоҳида таъкидлаш ўринли бўлар. Жамиятдаги мавжуд ижтимоий-иқтисодий формация алмашиш даврида камдан-кам ҳолларда учрайдиган тинчлик, осойишталик ва барқарорликни шунчаки табиий ҳодиса сифатида қабул қилмоқдамиз. Афсуски, юртимиздаги осойишталик, тинчлик, барқарорликка Юртбошимиз таъкидлаганларидек, осонликча эришилаётгани йўқ. Хўш, дилда иймон, қўлда Қонун билан дунёвий давлат қурмоқчи бўлган мустақил Ўзбекистоннинг бугунги тинч-осойишта ҳаёти кимларга ёқмаяпти? Халифаликни даъво қилаётганларга моддий кўмак бераётганлар кимлар? Уларнинг асл мақсадлари нима?

Тарих ғилдирагини орқага қайтариб бўлмаганидек, барча мусулмон давлатларини ягона халифаликка бирлаштириш мақсади ҳам ақлга сиғмайдиган, куракда турмайдиган хомхаёл эканлиги ақли-ҳуши жойида ҳар бир инсонга беш қўлдек маълумку.

Инсоният XXI асрга қадам қўйган, фан-техника қудрати дунёни ҳайратга солаётган, инсон қадами ойга етган бир замонда қандай қилиб халифаликка қайтиш мумкин? Афсона эмасми бу?

Халифа илк Исломда жамоа ҳаётини шариат бўйича тартибга солиш ва Аллоҳ таоло кўрсатмаларига мусулмонлар томонидан амал этилишини назорат қилиш учун сайлаб қўйилган мусулмон жамоаси раҳбари бўлган экан. Маълумотларга қараганда, Халифа баъзи вазифаларда вафот этган пайғамбаримиз Муҳаммаднинг (с.а.в.) ўринларини босади, деб ҳисобланган, кейинги ҳар бир халифа эса шу вазифада ўзидан олдингисининг ўрнини босиши керак бўган. Расулуллоҳнинг (с.а.в.) энг яқин сафдошлари Абу Бакр Сиддиқ биринчи Халифа, кейингилари Умар, Усмон, Али (р.а.) бўлишган. Айтишларича, пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо (с.а.в.) «Мендан кейин яна 30 йил халифалик давом этади», деб башорат қилган эканлар. Халифа ва халифалик давлатини барпо этишни даъво қилаётганлар Расулуллоҳнинг (с.а.в.) ўзига қарши чиқишмаётганмикин?

Бу уйдирмалар ва ёлғон даъволар ҳеч биримизни бепарво қолдирмаслиги керак. Чунки, бепарволикнинг ҳар қандай кўриниши одамларни турли ғоялар таъсирига мойилликка олиб келади. Бу хавфнинг олдини олишдаги бирдан-бир йўлимиз халқимиз, айниқса ёшларимизни танлаган тўғри йўлдан чалғитмасликдир. Бунинг учун энг аввало, масъул лавозимларда ўтирган мансабдорлар, қонун ҳимоячилари ўзибўларчилик, тўрачилик, оддий фуқароларга беписандлик, халқнинг кўз олдида адолатни оёқ-ости қилиш каби разолатларга чек қўйиб, шахсий ҳузур-ҳаловатдан воз кечиб, худо ҳам бандаси ҳам хуш кўрган амалларни кунлик заруратга айлантирмоғи зарурлигини Юртбошимиз қайта-қайта уқтириб келмоқда-ку. Битта мансабдорнинг адолатсизлиги бутун халқнинг ҳақли равишда норозилигига сабаб бўлишини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди-ку. Ақидапарастликнинг озиқ оладиган илдизларидан бири — норозилик ҳисобланмайдими?

Президентимизнинг яна бир гапларини такрорлаш ўринли бўлади, деб ўйлайман:

«...Бизнинг ҳаётимиз, эртанги кунимиз бугун ҳал бўлаяпти. Шундай экан, нима учун бизлар бепарвомиз? Шаҳар бедарвоза бўлмаганидек, маҳалла ҳам, эл-юрт ҳам эгасиз бўлмаслиги керак-ку?

Айниқса, халқ ишонч билдирган мансабдор шахслар бу курашнинг олдинги сафида бўлиши лозим. Аввалambor буни ҳокимлардан талаб қиламан. Агар халқни, тинч ҳаётини асраш йўлида ўз кўксингизни қалқон қилишга қурбингиз етмаса, ҳоким бўлишга нима ҳаққингиз бор».

Бизнингча, давлат ҳокимияти маҳаллий органлари, ҳокимлар қарорларининг конституциявийлигини назорат қилиш-ни сифат жиҳатидан қайта кўриб чиқиш зарур. Токи ҳокимларнинг қарорлари ва уларнинг хатти-ҳаракатлари фуқароларнинг кўз олдида давлатимиз обрў-эътиборига, ватанимиз шаънига, истиқлолимиз истиқболига путур етказмасин. Маҳаллий бошқарув органлари томонидан чиқарилган ҳар қандай норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, асосан, фуқароларнинг ижтимоий ҳимоясига, уларни моддий ва маънавий ҳимоялашга, шунингдек давлатимиз мустақиллигини мустаҳкамлашга қаратилган бўлиши шарт.

Ижро этувчи давлат органларининг ҳар қандай ноконституциявий қарор ёки фармойишлари «халқ ва давлат манфаатларига» қарши қаратилган ҳужжат сифатида қабул қилиниши лозим. Ўшандагина масъулиятсиз раҳбарлар, ўз қобиғига ўралиб олган мансабдор шахслар озгина бўлса-да ҳушёр тортишади, қадамини ўйлаб босишга ҳаракат қилишади, энг муҳими, конституциявий қоидаларга бефарқ бўлишмайди.

Абдуманноб РАҲИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг эксперти

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Сайловларни ташкил этишга оид масалалар юзасидан ўз ваколатлари доирасида қарорлар, низомлар қабул қилади, йўриқномалар чиқаради ва тушунтиришлар бериб боради.

Марказий сайлов комиссиясининг вазифалари ва ҳуқуқий мақоми «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги, шунингдек «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонунларда белгилаб қўйилган. Унинг бош вазифаси ошкора, очиқ, эркин демократик сайлов ўтишини таъминлаш, тегишли қонунлар нормалари сўзсиз бажарилиши устидан назорат ўрнатишдан иборат. Комиссия фаолиятининг асосий принциплари қонунийлик, коллегиаллик, ошкоралик, мустақиллик, адолатлиликдир.

Марказий сайлов комиссияси ўз ваколатлари доирасида қабул қиладиган қарорлар округ ва участка сайлов комиссиялари учун, давлат органлари, сиёсий партиялар ва бошқа жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар учун мажбурийдир.

Бўлажак парламент сайлови илгариги сайловлардан фарқ қилади. Бу, аввалambor, сайловга доир қонун ҳужжатларига киритилган ўзгартишлар билан боғлиқ. Ўз фаолиятини доимий асосда олиб борадиган Қонунчилик палатаси шакллантирилиши муносабати билан сайловларда сиёсий партияларнинг роли сезиларли ошади. Улар сайловчилар ташаббускор гуруҳлари билан бир қаторда парламентнинг қуйи палатасига сайловда иштирок этадилар. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, бу сайловда маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатликка номзодлар кўрсатишда қатнашмайди.

Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси ҳудудий, бир мандатли сайлов округлари бўйича кўп партиявийлик асосида беш йил муддатга сайланадиган 120 депутатдан иборат бўлади. Демак, бу сайловда ҳар бир округ учун белгиланадиган сайловчилар нормаси сезиларли даражада ошади. Агар илгари ҳар бир округда сайловчилар миқдори тахминан 50 минг кишини ташкил этган бўлса, эндиликда бу кўрсаткич деярли икки маротаба кўпаяди.

Депутатликка номзодларга қўйиладиган талаблар ҳам ўзгарди. Қонунчилик палатасига сайланиш ҳуқуқига сайлов куни 25 ёшга тўлган ҳамда камида 5 йил Ўзбекистон ҳудудида муқим яшаётган фуқаролар эгадир. Илгари судланган фуқаролар депутатликка номзод этиб рўйхатга олинмас эди. Эндиликда бу қоида фақат содир этилган жинояти учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган фуқароларга тааллуқлидир.

Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаролар, шунингдек суд ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар сайланиши мумкин эмас ва сайловда қатнашмайдилар. Бошқа ҳар қандай ҳолларда фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини тўғридан-тўғри ёки билвосита чеклашга йўл қўйилмайди.

Сиёсий партия, сайловда иштирок этиш учун, сайловга камида 70 кун қолганида тегишли ҳужжатларни Марказий сайлов комиссиясига тақдим этади. Марказий сайлов комиссияси тақдим этилган ҳужжатлар асосида беш кунлик муддат ичида сиёсий партиянинг сайловда қатнашишига изоҳат бериш тўғрисида қарор қабул қилади.

Депутатликка номзодлар кўрсатиш сайловга 65 кун қолганида бошланади ва сайловга 45 кун қолганида тугайди. Ҳар бир сиёсий партиянинг юқори органи депутатликка 120 нафар номзод, яъни ҳар бир сайлов округидан биттадан депутатликка номзод кўрсатишга ҳақли.

Сайлаш ҳуқуқига эга ҳар бир фуқаро ёки фуқаролар гуруҳи депутатликка номзод кўрсатиш учун тегишли сайлов округининг камида 100 нафар сайловчисидан иборат сайловчилар ташаббускор гуруҳини тузиши мумкин. Сайловчилар ташаббускор гуруҳининг ваколатли вакили гуруҳни рўйхатга олишни илтимос қилиб, тегишли округ сайлов комиссиясига ариза билан мурожаат этади. Ушбу масала округ сайлов комиссияси томонидан кўриб чиқилиб, ижобий ҳал қилинган тақдирда, депутатликка номзод кўрсатган сайловчилар ташаббускор гуруҳи округ сайловчилари умумий сонининг камида саккиз фоизи миқдорида номзодни қўллаб-қувватловчи имзо тўпланиши, бунда имзолаётган фуқаролар миқдори ҳар бир маҳалла, қишлоқ ёки овул бўйича мутаносиб равишда тақсимланган бўлиши шарт.

Ушбу талабларга риоя этилган тақдирдагина сайловчилар ташаббускор гуруҳининг ваколатли вакили депутатликка номзодни рўйхатга олишни илтимос қилиб, Марказий сайлов комиссиясига ариза билан мурожаат этишга ҳақли бўлади.

Сайловолди ташвиқоти депутатликка номзодлар Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинган кундан эътиборан бошланади. Сайлов куни ташвиқот юритишга йўл қўйилмайди. Депутатликка номзод ўз хоҳишига кўра беш нафарга қадар ишончли вакилга эга бўлиши мумкин.

Янги қабул қилинган, «Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»ги қонунга мувофиқ сиёсий партияларнинг Қонунчилик палатасига ва давлат ҳокимиятининг бошқа вакиллик органларига сайловда иштирок этишини молиялаштириш белгиланган тартибда фақат ана шу мақсадлар учун ажратиладиган давлат маблағлари ҳисобидан амалга оширилади. Маблағларнинг бир депутатликка номзод ҳисобига тўғри келадиган миқдори Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланади. Ушбу маблағ партиядан депутатликка кўрсатилган номзодлар рўйхатга олингандан кейин номзодлар сонига мувофиқ ҳажмда сиёсий партиянинг ҳисоб рақамига ўтказилади.

Қонунчилик палатасига сайловда сиёсий партияларнинг иштирок этишини молиялаштириш учун ажратилган давлат маблағлари сиёсий партия томонидан: сайловолди кўргазмали ташвиқот воситаларини нашр этишга; депутатликка номзодларнинг телевидение, радио орқали ва бошқа оммавий ахборот воситаларида чиқишларини; номзодларнинг сайловчилар билан учрашувларини; уларнинг ишончли вакиллари ва бевосита сайлов округида сайловолди ташвиқотини ўтказиш учун жалб қилинадиган бошқа фаоллар ишини ташкил этишга; сайлов кампаниясини ўтказишга доир умумпартиявий тадбирларга сарфланиши керак.

Парламентнинг юқори палатаси — Сенат аъзоларини сайлаш тартиби тўғрисидаги низомни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш Марказий сайлов комиссияси зиммасига юклатилган. Сенат аъзолари сайлови Қонунчилик палатаси депутатлари сайловидан фарқ қилади. Сенат аъзолари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан тенг миқдорда — олти кишидан Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг тегишли қўшма мажлисларида мазкур депутатлар орасидан яширин овоз бериш йўли билан сайланади. Конституциянинг 77-моддасига биноан Сенатнинг 16 нафар аъзоси Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланади.

Сенатга сайлов маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари сайланганидан кейин бир ойдан кечиктирмай ўтказилади.

Марказий сайлов комиссияси давлат ҳокимияти вакиллик органлари қўшма мажлисларининг баённомалари асосида, бу баённомалар келиб тушган кундан эътиборан беш кундан кечиктирмай, Сенат аъзоларини рўйхатга олади, шунингдек Сенатни шакллантириш якунлари тўғрисидаги ахборотни ва сенаторлар рўйхатини ўн кундан кечиктирмай матбуотда эълон қилади.

Анжуманда таъкидланганидек, мамлакатимизда юз бераётган демократик ўзгаришларга, сиёсий тизимда амалга оширилаётган ислоҳотларга, жумладан икки палатали парламентга ўтиш жараёнига халқаро ташкилотлар, хорижий давлатлар дипломатик корпуси қизиқиши кун сайин ортиб бораётир.

Юртимиз тарихида биринчи бор шакллантирилаётган икки палатали парламентга сайловларни ташкил этиш ва демократик асосда уюшқоқлик билан ўтказиш сайлов жараёнининг барча иштирокчилари зиммасига катта масъулият юклайди.

Семинар очиқ ва самарали муloқот руҳида ўтди. Унинг қатнашчилари ўзларини қизиқтирган кўплаб савolларга жавоб олдилар.

(ЎзА)

26 июнь — Халқаро наркотик моддаларни суиистеъмол қилиш ва уларнинг ноқонуний айланишига қарши кураш куни

ИЛЛАТГА БАРҲАМ БЕРИЛМОҚДА

Ўтган юз йилликда аср вабоси дея ном олган, башариятни жиддий ташвишга солган гиёҳвандлик иллати, афсуски, яшаётган асримизга «мерос» сифатида ўтди. Бу офат ўз гирдобига тобора кўпроқ кишини тортмоқда. Айниқса, ҳаётнинг маъно-мазмунини англаб улгурмаган ёшларнинг наркотик моддалар таъсирига берилиши ниҳоятда ачинарлидир. Бунинг оқибатида жаҳонда нафақат тузалмас дардга мубтало бўлганлар сони, балки, гўдакларнинг майиб-мажруҳ туғилиши ҳолатлари, тўкис оилалар пойдеворининг дарз кетиши ва шу каби бошқа ижтимоий хатарларнинг ортиши кузатилмоқда.

Мамлакатимиз ҳуқуқ-тартибот идоралари гиёҳвандликка қарши курашга доимий эътибор қаратмоқда. Наркотик ўсимликларни етиштириш, моддаларни тайёрлаш, ташиш, сотиш ва истеъмол қилиш қонунан таъқиб қилинмоқда.

Сир эмас, наркотик моддалар савдоси билан шуғулланувчилар ўз «товарлари»ни республикамиз орқали дунёнинг бошқа минтақаларига етказишга интилади. Улар ўзларининг ғаразли ниятларига етиш учун турли усулларни ўйлаб топишади. Ҳатто, бу ишга болалар ва аёлларни ҳам жалб этишдан, уларнинг қўллари билан ўзларининг қабиҳ жиноий ҳаракатларини амалга оширишдан ҳам тоймайди.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида, айниқса, наркотик моддалар етиштириш бўйича ўзига хос рекорд қўяётган Афғонистонга чегарадош минтақаларда гиёҳвандлик билан боғлиқ жиноятларга қарши курашиш мунтазам равишда, кенг кўламда олиб борилмоқда.

Ички ишлар вазирлиги матбуот хизматидан ЎзА мухбирига маълум қилишларича, вазирликнинг Наркотрафик ва наркотик моддаларнинг ғайриқонуний айланишига қарши кураш бошқармаси ва унинг жойлардаги бўлинмалари ходимлари томонидан «Қорадори-2004» деб номланган тадбирлар мунтазам ўтказиб келинмоқда. Тезкор тадбирлар натижасида жорий йилда гиёҳвандлик билан боғлиқ 1381 ҳолат аниқланиб, 146 килограммдан ортиқ заҳри қотил мусодара қилинди.

Май ойида Бухоро, Навоий, Жиззах ва Тошкент вилоятларида ўтказилган тезкор тадбирларнинг ўзида гиёҳванд моддалар билан боғлиқ ўндан ортиқ ҳолат фош этилди.

Бухоро вилояти Ғиждувон тумани Халқобод ширкат хўжалигининг Қорабоғ қишлоғида яшовчи Д.Тўйчиев томорқаси текширилганида 496, Жиззах вилояти Зомин тумани Иттифоқ маҳалласида истиқомат қилувчи М.Хаиталиева ҳовлисида 2700, Пахтакор туманида истиқомат қилувчи А.Кожавов хонадонида 2400, Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманида яшовчи К.Бердалиев томорқасида 3100 туп кўкнори ўстирилаётгани аниқланди ва йўқ қилинди. Минг афсуски, бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин.

Тезкор тадбирлар натижалари синчиклаб кўздан кечирилса, гиёҳванд ўсимликлар парваришлаётган «уддабуронлар»нинг деярли барчаси камида ярим асрдан кўпроқ яшаб қўйган, ҳаётнинг аччиқ-чучугини татиган, боз устига, ўзининг панду насиҳати билан ёшларни тўғри йўлга бошлаши лозим бўлган кишилардир. Бироқ не ажабки, уларнинг ўзлари бугун панду насиҳатга муҳтож...

Мамлакатимизда «Қорадори-2004» тезкор тадбирлари йил бўйи давом этади. Бироқ жиноятни фош қилгандан кўра, унинг олдини олган, ўз вақтида профилактик чора-тадбирлар кўрган афзалроқ. Бу ишга жамоатчилик ўз улушини қўшиши шарт. Биринчи галда ёшлар ўртасида гиёҳвандлик иллатининг мудҳиш оқибатлари тўғрисида мунтазам ва муфассал тушунтириш ишлари олиб борилмоғи лозим. Зеро, бу офатга қарши баҳамжиҳатликда курашилсагина келажак авлоднинг соғлом ва баркамол вояга етишига, юртимиз фаровонлиги ва энг муҳими халқимизнинг осойишталигини таъминлашга муносиб ҳисса қўшган бўламиз.

Норали ОЧИЛОВ,
ЎзА шарҳловчиси

КЕЛГУСИ ҲАФТАДА ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ



Ажария Мухторият Республикаси Олий Кенгаши учун 20 июнь куни ўтказилган навбатдан ташқари сайлов натижалари келгуси ҳафтада эълон қилинади. Бу ҳақда Ажария Олий сайлов комиссияси раиси Ираклий Пагава «Новости-Грузия» ахборот агентлигига маълум қилди.

Ажария қонунларига кўра, сайлов натижалари 18 кундан сўнг эълон қилиниши лозим.

Сўнгги маълумотларга қараганда, иккита партия 7 фоизли тўсиқдан ўтишга муваффақ бўлган. Улар: Грузия Президенти етакчилигидаги «Ғолиб Ажария» партияси ва Давид Бердзенишвили раҳбарлигидаги «Республикачилар партияси»дир.

ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИГА САРФЛАНГАН

Россия Марказий сайлов комиссияси жорий йилдаги Президент сайлови кампаниясининг молиявий ҳисоботини эълон қилди. Шундай қилиб шу йил мартда бўлиб ўтган Президент сайлови учун федерал бюджетдан 2 миллиард 564 миллион рубль сарфланган.

Марказий сайлов комиссияси раисининг ўринбосари Олег Вельяшевнинг айтишича, сарфланган маблағнинг 1,6 миллиард рубли сайлов комиссиясининг жойлардаги турли даражадаги 824 минг аъзосига иш ҳақи сифатида, 400 миллион рублга яқини сайлов участкалари жиҳозлари ва сайлов комиссиялари хоналари учун, 265 миллион рубли эса транспорт харажатлари учун «ётқизилган», дейилади «Новости» агентлиги ахборотида.

САДДАМ ҲУСАЙННИНГ ТЎНҒИЧ ҚИЗИ ПРЕЗИДЕНТЛИККА НОМЗОДИНИ ҚЎЙМОҚЧИ

Ироқ собиқ президенти Саддам Ҳусайннинг тўнғич қизи Рагад Иорданиядан Қатарга жўнаб кетди. «Аш-Шарқ ал-Аусат» газетаси хабар беришича, у Қатар пойтахти Доҳада собиқ Баас партияси раҳбарлари билан учрашади ва Ироқ президентлигига ўз номзодини қўйиш режасини муҳокама этади.

Маълумки, шу йил охирида Ироқда Президент сайлови ўтказилади.

Эслатиб ўтамиз: Саддамнинг икки тўнғич қизи Рагад ва Рана болалари билан ўтган йил июлда Иорданиядан бошпана топишган. Иордания ҳудудида сиёсий фаолият билан шуғулланмаслик шарти улар зиммасига юкланган.

Саддамнинг турмуш ўртоғи Сожида ва кенжа қизи Лола эса Қатарда яшашади. Ўғиллари Удей ва Кусай ўтган йил июлда яшириниб ётган уй ўққа тутилганда улар ҳалоқ бўлишганди.

СЎНГГИ ВАРИАНТНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

The New York Times газетаси маълум қилишича, АҚШ сенати 2005 йил учун ҳарбий бюджет лойиҳасини қабул қилди. Келгуси йил учун ҳарбий бюджет 447,2 миллиард доллар қилиб белгиланди. Бунинг учун 97 сенатор овоз берди.

Ироқ ва Афғонистондаги махсус операциялар учун 25 миллиард доллар ажратилганлиги бюджетда алоҳида модда билан кўрсатилди.

11,4 миллиард доллар ракета ҳужумига қарши мудофаага ва кимёвий ҳамда биологик қуроллардан ҳимояланиш ишланмаларига, 4,4 миллиард доллари Joint Strike Fighter дастурига, 714 миллион доллари эса учувчисиз қирувчи самолётлар ишлаб чиқаришга сарфланади.

Аввалги йил бюджети билан чоғиштирадиган бўлсак, Пентагонни молиялаш 3,5 фоизга ошганлигини кўриш мумкин.

2000 ЙИЛДАН БУЁН

БМТ бош котибининг сиёсий масалалар бўйича ўринбосари Кирон Прендергаст Хавфсизлик Кенгашига ахборот беришича, Исроил — Фаластин можароларида 2000 йилдан буён 3437 нафар фаластинлик, 942 нафар исроиллик ўлдирилган. 33,7 минг фаластинлик, 6 мингдан ортиқ исроиллик эса турли даражада жароҳат олган.

Кирон ўз маърузасида шуни алоҳида таъкидладики, Яқин Шарқда вазият кескинлигича турибди.

«Одамларни ўлдириш давом этмоқда, фаластинликлар жабр кўрмоқда. Бу эса умидсизликни келтириб чиқармоқда» деди Кирон.

Бу ҳақда Исроилнинг Na'aretz газетаси ахборот тарқатди.

«Ғалла — 2004»

ВИЛОЯТДА БИРИНЧИ

«Тошкент тумани ғаллакорлари вилоятда биринчи бўлиб давлатга ғалла сотиш режасини ортиғи билан бажардилар. Ҳозиргача ҳар гектар майдондан 42,3 центнердан буғдой йиғиштириб олинди. Давлат хирмонларига 5900 тоннадан зиёд сара дон етказиб берилди...»

(Таҳририятга келган хушхабардан)

Саъй-ҳаракатлар пироварди — давлат буюртмаси бултургига нисбатан ўн уч кун эрта бажарилди. Тумандаги «Тошкент» ширкат хўжалиги уруғчиликка ихтисослашган бўлиб, хирмонга 300 тонна сара дон тўкди. Ҳозир, омборда 450 тонна сифатли уруғлик тайёр. Маррага иккинчи бўлиб етиб келган Ғиёс Умаров номли ва улар изидан борган Охунбобоев номли ширкат хўжаликлари ғалабага айниқса, муносиб улуш қўшдилар.

Туман ғалла штаби маълумотларидан: катта карвон — Тўлабий номли хўжалик 802 тонна, «Ўзбекистон» — 820 тонна, Собир Раҳимов номли ширкат хўжалиги 666 тонна...

— Ҳали ўрилмаган далаларимиз бор, — дейди **«Тошкент» ширкат хўжалиги раиси Ниғматжон Муҳамедов.** — Ниятимиз — барча ҳосилни нест-нобуд қилмай хирмонга жойлаш. Унинг сомонини ҳам увол қилмаймиз. Чорванинг жони-ку...


— Режани бажардик, бўшаган майдонларда пешма-пеш шудгорни бошладик, — ҳикоя қилди **туман ҳокими Сайфулла Темиров.** Ҳайдалган майдонларда такрорий экинлар — кечки сабзавот экиш тадбирларига ҳам киришдик. Аҳолининг ижтимоий муҳофазаси нуқтаи назаридан ўқитувчилар ва кам таъминланган оилаларга кузги экинлар (мошловия, нўхот, турп ва бошқа сабзавотлар) экиб олиш учун маълум миқдорда ер ажратиб бераяпмиз.

— Ўтган йиллар ҳам ғалла етиштириш режасини вилоятда биринчи бўлиб бажарганмиз. Бу йил ҳам пешқадам эканмиз, — фахр билан суҳбатимизга якун ясади **туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими бошлиғи Асомиддин Зоҳидов**, — демак, ғаллачиликда пешқадамлик бундан кейин ҳам бизда бўлади...

Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ,
Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ

Спорт

РУСЛАННИНГ НАВБАТДАГИ ҒАЛАБАСИ



Ҳозирда профессионал бокс бўйича Германияда машғулотлар олиб бораётган ҳамюртимиз Руслан Чагаев яна ўз мухлисларини қувонтирди. 22 июнь куни оғир вазн тоифадаги боксчимиз Тельфс шаҳри (Австрия)да америкалик Седрик Филдсга қарши навбатдаги рейтинг жангини ўтказди.

Хабарингиз бор, Руслан шу йилнинг 17 февралида ушбу боксчи билан куч синашиб, очколар ҳисобида ғалаба қозонганди. Бу галги жангни мутахассислар Седрикнинг реванш учрашуви, деб эътироф этишди. Мазкур баҳс олдидан йигирма беш маротаба рингга чиқиб, йигирма тўрт учрашувни ўз фойдасига ҳал қилган америкалик боксчининг имкониятлари анча юқори баҳоланаётганди. Шу кунгача ўн иккита рейтинг жанги ўтказиб, унинг тўққизтасида рақибини нокаутга учратган Руслан Чагаев галдаги баҳсга ҳам жиддий ҳозирлик кўрди.

Профессионал бокс оламида сўнгги пайтларда «Оқ Тайсон» деб аталаётган ҳамюртимиз яна ўзини кўрсатди. Руслан учрашувнинг иккинчи раундидаёқ америкалик боксчини нокаутга учратди ва соф ғалабага эришди. Бу иқтидорли боксчимиз Руслан Чагаевнинг профессионал рингдаги кетма-кет ўн учинчи ғалабасидир.

ШАҲАР ҲОКИМИ СОВРИНИ УЧУН

Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманидаги «Умид» болалар спорт мажмуида синхрон сузиш бўйича Ўзбекистон биринчилиги ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги совриниучун баҳслар бўлиб ўтди. Унда вилоятлар ва пойтахтимиздан юз нафарга яқин спортчи ғолиблик учун кураш олиб борди.

Эътиборлиси, мусобақада илк маротаба барча вилоятлардан қизлар иштирок этди. Жойларда Синхрон сузиш федерацияси бўлинмалари эндигина ташкил этилганлигига қарамай, баҳсларда Сирдарё, Самарқанд, Жиззах, Андижон ҳамда Фарғона вилоятлари вакилларининг яккалик баҳсларида илиқ таассурот қолдирди.

Мусобақа якунида 1986-89, 1989-91 ҳамда 1992 йилларда туғилган қизлар ўртасида ғолиблар аниқланди. Дуэт ва сало машқларида кучли деб топилган иштирокчилар энди мамлакат терма жамоаси шарафини ҳимоя қиладиган бўлди. Тошкент шаҳар ҳокимлиги таъсис этган қимматбаҳо совринлар эса сало баҳсларида энг юқори натижа қайд этган Алфия Шокирова, Валерия Залотих, дуэт машқларида Алфия Шокирова, Шоҳида Зоҳидова, Валерия Залотих, Ангелина Мохоровалларга топширилди.

ЁШЛАРИМИЗ ЮТУҒИ

Алматида эркин ва юнон-рум кураши бўйича ёшлар ўртасида навбатдаги Осиё чемпионати поёнига етди. Қитъамизнинг ўттизга яқин давлатидан спортчилар қатнашган ушбу мусобақада ҳамюртларимиз ҳам муваффақиятли иштирок этди.

Эркин кураш бўйича эркаклар ўртасида ўтган баҳсларда ўз вазн тоифасида Фарҳод Ўразимбетов (55 кг.) олтин, қизлар мусобақасида Айнур Артибоева (59 кг.) кумуш медалга сазовор бўлди. Юнон-рум кураши беллашувларида вакилларимиздан Шерали Шодмонов (50 кг.) ҳамда Хуршид Тожиев (55 кг.)лар фахрли учинчи ўринни эгаллаб, бронза медали билан тақдирланди.

Ўзбекистоннинг энг йирик ва универсал банкларидан

ХАЛҚ БАНКИ

Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларини касб байрами билан самимий муборакбод этиб, матбуот ва ахборот соҳасининг барча жонкуярларига тинчлик-хотиржамлик, фаровонлик, оилавий бахт ва ижодий ишларида муваффақиятлар тилайди

ҳамда янги «Тезкор» миллий валютадаги пул жўнатиш хизмати турини тақлиф этади.

«ТЕЗКОР» пул жўнатмаси хизмати ёрдамида

Сиз маблағингизни Халқ банкининг исталган филиалига имтиёзли тариф ва қулай усулда жўнатишингиз мумкин.

«ТЕЗКОР» — ишончли ва қулай, бир зумда муаммоингизни ҳал этади.

Хизматлар лицензияланган

«ЯХШИ НИЯТ» ТЕЛЕВИЗИОН УЙ-ЖОЙ ПУЛ-БУЮМ ЛОТЕРЕЯСИ 130-ТИРАЖИДА ЮТГАН ЧИПТАЛАР РАҚАМЛАРИ ҚИСҚА ЖАДВАЛИ

Чипталар, жадвал охиридан бошлаб, халтадан чиқмаган рақамлар бўйича текширилади. Ана шундай рақамдан биронтасининг чиптада мавжудлиги уни ютуқсизга айлантиради. Агар халтадан чиқмаган барча рақамлар чиптада мавжуд бўлса, унда ушбу чипта қўшимча турда ютуқли ҳисобланади. Сўнгра чипта сериясининг 1, 2, 3, 4 ва 5-турларда тўғри келиши текширилади. 6-турдан бошлаб мазкур турдаги рақамнинг чиптадаги мавжудлиги текширилади.

1 Тур
57 75 62 52 46 51 56 5 47 59 38 74 32
Автомагнитолла
Чипта рақами 20029338.1
2 Тур
89 25 73 77
79 84 67 88 27 50 11 8 23 65 68 48 1 72
Сони: 1
Видеомагнитофон
Чипта рақами 0007207.3
3 Тур
85 54 16 28 49
30 53 6 61 34 40 41 81 66 17 35 39 20
Сони: 1
Телевизор
Чипта рақами 40017947.1
4 Тур
13 80 29 14 3
12 83 24 76 33 31 22 87 44 45 69
Сони: 2
Сумма: 500000
Чипталар рақами 50027451.1 80024909.2
5 Тур
63
Сони: 1
Телевизор
Чипта рақами
20029928.3
6 Тур
9
Сони: 2
Телевизор
Чипталар рақами 40020612.1 70018271.1
7 Тур
26
Сони: 2
Телевизор биттадан
Чипталар рақами 10021562.2 30029046.2
8 Тур
37
Сони: 4
Телевизор биттадан
Чипталар рақами 20013327.3 30021218.1 50002723.3 60019712.3
9 Тур
90
Сони: 2
Телевизор биттадан
Чипталар рақами 30014271.2 90015211.1
10 Тур
21
Сони: 3
Сумма: 10000
11 Тур
4
Сони: 3
Сумма: 5000
12 Тур
55
Сони: 5
Сумма: 3000
13 Тур
19
Сони: 8
Сумма: 2000
14 Тур
70
Сони: 16
Сумма: 1000
15 Тур
78
Сони: 17
Сумма: 800
16 Тур
10
Сони: 37
Сумма: 600
17 Тур
86
Сони: 66
Сумма: 500
18 Тур
42
Сони: 83
Сумма: 400
19 Тур
58
Сони: 105
Сумма: 300
20 Тур
15
Сони: 171
Сумма: 300
21 Тур
64
Сони: 287
Сумма: 300
22 Тур
43
Сони: 424
Сумма: 300
23 Тур
60
Сони: 644
Сумма: 300
Қўшимча тур
Сони: 23
Сумма: 900
Ҳалтадан чиқмаган шарлар:
2 7 18 36 71 82

Тўғри келганлар сони	Ютуқ сони	Сумма	Чипталар рақами
4	2	1500000	21066863.3 31055729.1
3	24	1000	
2	638	500	
1	7068	100	

«Лаҳзали Яхши Ният» телеўйинида иштирок этувчи шарлар рақами (халтада қолган): 2, 7, 18, 36, 71, 82

"Яхши Ният" телевизион уй-жой пул-буюм лотереясининг 2004 йил 16 сентябрдаги 131- тиражида ўйналадиган супер-ютуқлар:

1 -турда биттадан Автомагнитолла
2 -турда биттадан Видеомагнитофон
3 -турда биттадан рангли Телевизор
4 -турда Биринчи маротаба 50.000.000 сўмлик ЖЕКПОТ ўйналади.
Агар чипангиз 56 -юришда тўлса сиз 50.000.000 сўмлик миқдордаги ЖЕК ПОТ эгаси бўласиз.
57,58 -юришда чипангиз тўлса "NEXIA" ҳамда 3.000.000 сўм пул,
59,60 -юришда чипангиз тўлса «MATIZ» ҳамда 1.000.000 сўм пул,
61-64 -юришда чипангиз тўлса 3.000.000 сўм пул ютуғи эгаси бўласиз.
4- турнинг 64- юришидан сўнг 1.000.000 сўм пул ютуғи.
5-7 -турда биттадан рангли Телевизор

Ютуқлар ҳар чоршанба соат 14.00 дан кейин ютуқли чипта кўрсатилган заҳоти "Лаура" ХФ сида берилади. Манзил: Тошкент шаҳри, Шевченко кучаси, 8 уй. Мўлжал: "Украинка" дўкони. Тел: 8(3712) 56-25-54, 56-26-60.

Пул ютуқлари Миробод тумани Халқ банки бўлимлари ҳамда "Лаура" ХФсида ва чипта тарқатувчилар томонидан берилади.

"ЯХШИ НИЯТ" телелотереяси чипталарини газета дўконларидан ва чипта тарқатувчилардан олиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2003 йил 22 декабрдаги 16-сонли лицензияси.

ЭЙСЕБИОНИНГ ҚУВОНЧИ

ҲА, ПОРТУГАЛИЯ КЎЧАЛАРИДА БАЙРАМ


Ўтган куни Европа футбол чемпионатининг чорак финал ўйинлари бошланди. Мухлислар умид боғлаган қатор нуфузли терма жамоаларнинг бу гал омадлари юришмай гуруҳдан чиқолмай қолишди. Айтайлик, Испания, Италия, Германия футболчиларининг чорак финалга чиқа олмай қолгани чемпионатда сенсацияси бўлди. Эҳтимол, италияликларга Паоло Россидек чақмоқ етишмагандир? Немис «машина»сининг ярим йўлда «бузилиб» қолишининг сабаби нимада экан? Начора, буни футбол дейдилар. Башорат ва тахминларга қараганда, чемпионликка Чехия, Франция, ҳатто Португалия жамоалари асосий даъвогар бўлиши мумкин экан. Олдинда эса бир-биридан оғир синовлар турибди.



Дастлабки чорак финал учрашувини ўтказган Португалия ва Англия жамоаларига шу пайтгача чемпионлик насиб этмаган. Гуруҳлардаги учрашувларни ҳар икки жамоа ҳам олтитадан очко билан якунлаган. Мутахассислар инглизларда имконият кўпроқ, деган фикрда эдилар. Учрашув Англия футболчиларининг ҳужуми билан бошланди. Учинчи дақиқада Майкл Оуэн ҳисобни очишга муваффақ бўлди. Аммо, шу дақиқадан бошлаб майдон эгалари жонланишди. Улар дастлабки ўн дақиқа ичида ҳисобни тенглаштиришлари мумкин эди. Бироқ бошланган ҳужумлар охирига етмай қолди. Инглизлар танаффусгача ўз дарвозалари дахлсизлигини таъминладилар. Улар мудофаада мустаҳкам туриб, қарши ҳужумда яхши ўйнашди. Учрашувда инглизлар устунликка эришган бўлсалар-да майдон эгалари 88-дақиқага борганда ҳисобни тенглаштиришди. Поштига ўз жамоасини муқаррар мағлубиятдан сақлаб қолди.



Маълумки, чорак финал ўйинларидан бошлаб, учрашувнинг асосий вақти дуранг ҳисобида тугайдиган бўлса, қоидага мувофиқ ҳар бири 15 дақиқали икки тайм учрашувлари белгиланади. Учрашувни моҳирлик билан бошқарган швейцариялик Урс Майер ҳам шундай қилди. 110-дақиқада мезбонлар ўзларини кўрсатиб олдинга чиқдилар — 2:1. Ишқибозлар Португалия ғалаба қилди, деб турганида, 115-дақиқада Лэмпард ҳисобни тенглаштирди — 2:2. Шундай қилиб, ғолибни аниқлаш учун 11 метрли жарима тўплари тепишга тўғри келди. Тўп уришда 14 нафар футболчи иштирок этди. Биринчи бўлиб, дарвозабон билан Бекхэм рўбарў бўлди. Минг афсуски, машҳур футболчи дарвозани аниқ нишонга ололмади. Шунингдек, португал Руй Кошта билан инглиз Васселлар тепган тўп ҳам хато кетди.



Сўнгги якунловчи тўпни тепиш Португалия дарвозабони Рекардуга насиб этди. У ўта масъулиятли паллада тўпни дарвозага аниқ йўллаб Португалияга ғалаба келтирди — 6:5. Шу тариқа қарийб 2 соат давом этган қизғин ва муросасиз баҳсда Португалия терма жамоаси зафар қучди.

Инглизлар алам билан Португалияни тарк этадиган бўлишди.

Мухлислар 1966 йили жаҳон чемпионати — «Олтин маъбуда» учун курашнинг ярим финал баҳсида Англия терма жамоаси дарвозасини ишғол этган афсонавий Эйсебионинг маҳоратини яхши эсласалар керак. У футбол майдонидаги учрашувни зимдан кузатаркан, бетоқат бўларди. Португалия ғалабасини шарафловчи ҳайқириқлар янграганда Эйсебио ўзини тутолмай, майдон ўртасига тушиб кетди. Ҳа, Португалияда катта байрам. Кўчалар, хиёбонлар байрамона безатилган, қўшиқ-куйлар янграмоқда, мухлисларнинг қувончи чексиз. Негаки, Португалия ярим финалга чиқди-да. Энди улар бугун бўладиган Швеция — Голландия учрашуви ғолиби билан майдонга тушадилар. Кеча Франция — Греция жамоалари ўзаро учрашдилар. Эртага Чехия — Дания футболчилари ўртасида чорак финал учрашувлари бўлади.

Ҳайдар НОСИРОВ, Равшан ШОДИЕВ

Шу йилнинг 22-28 апрель кунлари Москва шаҳрида «Қонун ва жамият» мавзуси бўйича телекўрсатувлар, детектив жанрда суратга олинган ҳужжатли ва бадиий фильмларнинг VI халқаро фестивали бўлиб ўтган эди. «Жиноятчилик ва терроризмга қарши кураш — бутунжаҳон ҳамжамият иши» шиори остида 30 дан ортиқ мамлакат вакилларини тўплаган бу фестивалда республикамиз Ички ишлар вазирлиги Матбуот маркази бошлиғи, милиция полковниги Азиз Эрназаров, Бирлашган таҳририят бош муҳаррири, ички хизмат капитани Шуҳрат Муродов, Ўзбекистон халқ артисти Пўлат Саидқосимов ҳамда таниқли режиссёр Музроб Боймуҳамедовлар ҳам иштирок этишган эди.



Унда республикамиздаги «Санъат-маъно» киностудияси ҳамда Ички ишлар вазирлиги ҳамкорлигида тасвирга олинган «Қонли олишув» бадиий фильми фестиваль йўналишининг номинацияси бўйича биринчи ўринни қўлга киритган.

Суратда: Ички ишлар вазирлиги Матбуот маркази ходимларидан (чапдан ўнгга): милиция катта лейтенанти Жасурбек Абдуллаев, милиция лейтенанти Маъмур Абдиев, милиция майори Исмоил Минаваров, милиция полковниги Вячеслав Тутин ва милиция капитани Улуғбек Соатов.

Ҳурматли ишбилармон тадбиркорлар!
«KIMOSHDI SAVDOLARI AGENTLIGI VA «RESPUBLIKA KO`CHMAS MULK BIRJASINING TOSHKENT SHAHAR BO`LIMI»
масъулияти чекланган жамияти

Ҳафтанинг ҳар ДУШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА кунлари биржа савдоларига таклиф қилади.


Биржа савдоларига қуйидаги объект қўйилади:

Тошкент шаҳар, Ҳамза тумани, Толарик кўчаси, 40-уй манзилгоҳида жойлашган «QO'YLIQ ASFALT-BETON ZAVODI» масъулияти чекланган жамиятининг 25,0 фоизлик давлат улуши.

Бошланғич нархи — 176 512 077 сўм

Мурожаат учун манзил:
Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, А.Қодирий кўчаси, 13-уй.
Телефонлар: 144-44-73, 144-71-78, 144-92-30.

ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН



ЎЗБЕКИСТОН — ТУРКИЯ
«ИПАК ЙЎЛИ ТУРИЗМ ИНВЕСТ»
ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ҚЎШМА КОРХОНАСИ ТОШКЕНТДАГИ ОМБОРХОНАДАН

«Firat Plastik» (Туркия) фирмасининг айланаси 20 дан 63 мм.гача бўлган совуқ ва иссиқ сув, иситиш тизими учун полипропилен трубаларни (PPRC 3-тип) ва турли хил фитингларни сотади.

Товар сертификатланган.

Телефонлар: 134-78-49, 134-01-01, 176-81-63
факс: 134-78-49.Email: jvsilkroad@ inbox.ru

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Asliddin RUSTAMOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Habib SA'DULLA
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o`rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o`rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o`rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Nomoz SA`DULLAYEV
To`lepbergen QAIPBERGENOV
Muslihiddin MUHIDDINOV
Olim MURODOV
Abdug'ani MAMASODIQOV (Mas'ul kotib)

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Siyosat, partiya va xalqaro hayot 133-44-55
Ma`naviyat va ma`rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-57-20
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Mas`ul kotib 133-72-83
Reklama va e`lonlar 133-38-55, 133-47-80, 133-06-83 (Tel. Faks)

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.

Navbatchi: Shohaydar MIRHABIBOV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchilar: Ikromjon ISMOILOV Elyor UBAYDULLAYEV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 008-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 765

10111 nusxada bosildi

t — Тижорат материали

Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 23.30
1 2 3 4 5

SOTUVDA ERKIN NARXDA